



BIOKIMYO
AKSIYADORLIK JAMIYATI

**«BIOKIMYO» АЖ нинг 2022 йил учун молиявий хўжалик
фаолияти юзасидан ички аудит хизмати текшируви
бўйича Аудиторлик ҳисоботи**

Мундарижа

1 КИРИШ ҚИСМ.	3
1.1 ТАШКИЛИЙ МАСАЛАЛАР	3
2 ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ.	4
2.1 БИЗНЕС-РЕЖА БАЖАРИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТҮҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ	4
2.2 КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТҮҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ	5
2.3 КОРХОННИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯ ҲИСОБОТИ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТҮҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ	6
2.3.1 <i>Бошлангич қолдиқлар таҳлил</i>	7
2.3.2 <i>Хусусий капитал ҳисоби аудити</i>	9
2.3.3 <i>Товар моддий захиралари(ТМЗ) аудити.</i>	10
2.3.4 <i>Асосий воситалар аудити.</i>	12
2.3.5 <i>Узоқ муддатли инвестициялар аудити</i>	13
2.3.6 <i>Касса ва касса операциялар аудити.</i>	13
2.3.7 <i>Банкдаги асосий ва бошқа ҳисобрақамлар аудити.</i>	14
2.3.8 <i>Ходимлар билан меҳнат хаки юзасидан ҳисоб-китобларни аудити.</i>	14
2.3.9 <i>Ҳисоб-китоб-тўлов тартиби аудити</i>	15
2.3.10 <i>Даромадлар ҳисоби аудити.</i>	18
2.3.11 <i>Харажатлар ҳисоби аудити.</i>	19
2.4 СОЛИҚ ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ҲИСОБЛАНИШИ ВА ТЎЛANIШИ АУДИТИ	20
2.4.1 <i>Акциз солиги</i>	21
2.4.2 <i>Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ</i>	21
2.4.3 <i>Юридик шахслар ер солиги</i>	22
2.4.4 <i>Юридик шахслар мол-мулк солиги</i>	22
2.4.5 <i>Ижтимоий солиқ ҳисоби аудити.</i>	23
2.4.6 <i>Жисмоний шахслардан даромад солиги ҳисоби аудити.</i>	24
2.4.7 <i>Қўшилган қиймат солиги.</i>	25
2.4.8 <i>Юридик шахслар фойда солиги ҳисоби.</i>	25
2.5 МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ПАЙТИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАЛАБЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШНИ ТЕКШИРИШ	26
2.6 ИЧКИ НАЗОРАТНИНГ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТҮҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ	27
3 ИҼТИСОДИЙ АҲВОЛ ТАҲЛИЛИ	28
4 ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	28

1 КИРИШ ҚИСМ.

Биз ички аудит хизмат вакиллари, Холмирзаев А.А ва Баратов О.А. «КОРХОНАЛАРДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТ ТҮФРИСИДА» ги Низом (кейинги ўринларда НИЗОМ) га асосан «BIOKIMYO» акционерлик жамияти (кейинги ўринларда ЖАМИЯТ) ички аудит текшируви натижаларини ўз ичига олган Низомнинг 12-банди талаблари доирасида 2022-йил учун ҳисобот тайёрладик.

Молиявий ҳисоботларни тайёрланиши ва ишончлилиги учун хўжалик юритувчи субъект раҳбари жавобгар, биз ҳисоботлар бўйича берилган хулоса юзасидан жавобгар ҳисобланамиз.

Куйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

-кузатувчи кенгаши ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича корхона фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

-ички аудит жараёнида аникланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан корхона бошқарув органларига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

Ушбу вазифаларни бажариш учун ички аудит хизмати томонидан бухгалтерия ва молиявий ҳисоботлар назорати шаклида аудит текшируви ўтказилди. Текширув натижаларига ҳисбот тайёрланди ва ҳисбот ўз мазмунига кўра куйилдаги кисмлардан иборат:

- 2022-йилга белгиланган бизнес режа амал қилиш қўрсаткичлари;
- Молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия ҳисоби ҳолати;
- Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиши;
- Молиявий хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши;
- Ички назорат ҳолати.

Ички аудит ҳисботи 2022-йил 1-январдан 31-декабрь оралиғидаги ҳисоб циклини ўз ичига олади. Текширув жараёнида тақдим қилинган хужжатлар ҳаққонийлиги, ҳақиқийлиги текширилмади. Текширувдан кейин кирим қилинган хужжатлар текширувдан четда қолган хужжатлар жавобгарлиги жамият ҳисоб раҳбарлари жавобгарлигига.

Аудиторлик текширувидан ўтказилаётган даврда жамиятда биринчи ва иккинчи даражали имзо ҳукуқида қуйидаги шахслар ишлаб келмоқда:

Бошқарув раиси - Аликулов Р.А.

Бош ҳисобчи – Каратаева М.Й.

1.1 Ташкилий масалалар.

«BIOKIMYO» АЖ (кейинги ўринларда «Жамият») Ўзбекистон Республикаси Мулк Кўмитаси Тошкент вилояти Бошқармасининг 1994 йил 30 майдаги 271 сонли ва 1995 йил 17 июльдаги 994 сонли буйруқларига мувофиқ Янгийўл БИОХИМ заводини қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилган. Жамият ўз фаолиятини Тошкент вилояти худудида олиб боради.

Жамият амалдаги устави акциядорларнинг 2018 йил 26 июньдаги навбатдан ташқари йигилишида тасдиқланган. Унга кўра жамият устав фонди микдори 9 569 744 000 сўм, номинал қиймати 3350 (Уч минг уч юз эллик сўм) бўлган 2 856 640 дона акциядан иборат. Жамият акциядорлари таркиби:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги улуши 4 880 548 000 сўм(51%);
- Жисмоний ва бошқа юридик шахслар улуши 4 690 196 000 сўм(49%).

Жамият уставига кўра фаолиятининг асосий йўналиши қуйидагилардан иборат:

- Озуқа ва техник спирт ишлаб чиқариши ва сотиш;
- Иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Микробиологик маҳсулот ва парфюмерия,косметика буюмлари ишлаб чиқариш ва сотиш.

Жамият юқоридаги асосий фаолият соҳасидан ташқари қуйидаги қўшимча фаолият турлари билан ҳам шуғулланши мумкин:

- Курилиш монтаж ишлари ишга тушириш ва созлаш;
- Сервис хизмати ва маҳсулот харид қилиш;
- Биноларни, кўчмас ва қўчар мулкларни ижарага бериш;
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотиш.

Жамият жойлашган ери ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 112004 Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри, Кимёгар 1.

2 ТАҲЛИЛИЙ ҚИСМ

2.1 БИЗНЕС-РЕЖА БАЖАРИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

Бизнес режа бажарилиши бўйича ички аудит текшируви мақсади:

- Бизнес режа бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;
- унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аникланган сабаблар баёни.

Жамият бизнес режаси 2022-йилдаги унинг асосий фаолияти мақсадларини амалга ошириш учун келтирилган кўрсаткичларидир. Жамият фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш ва дивиденд тўлаш учун етарли даражада активлар билан таъминланган.

Жамият томонидан тақдим қилинган маълумотлар кўрсаткичлар аудит томонидан таҳлил қилинди ва бизнес режа бажарилиши бўйича текширув ўтказилди. Қуйидаги жадвалда ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг бизнес режага нисбатан бажарилиши таҳлили келтирилган:

«BIOKIMYO» АЖНИНГ 2022-ЙИЛ УЧУН БИЗНЕС РЕЖА БАЖАРИЛИШИ ТАҲЛИЛИ (ишлаб чиқариш кўрсаткичлари)

№	Номлари	Ўлч. бир.	режада	Ҳақиқатда	Фарқлар	% бажарил
1	Товар (ищ,хизматлар) улгуржи	минг сўм	228 946 721	231 103 795	2 157 074	100.9
2	Тегишли йилдаги тегишли нархларда	минг сўм	228 946 721	277 303 744	48 357 023	121.1
3	Истеъмол товарлари(ароқ ва вино		7 257 480	8 391 407	1 133 927	115.6
	<i>Саноат маҳсулотлар ишлаб</i>					
4	Спирт пишевой	т дал	1 495.0	1 495.4	0.4	100.0
5	Спирт технич	т дал	55.0	61.3	6.3	111.5
6	Пар технолог	Т ккал	2.42	3.40	1.0	140.5
7	Газ бражение	Т.тн	3.0	4.2	1.2	139.8
8	Барда жидкая	Т.тн	158.1	161.5	3.3	102.1

Юқоридаги маълумотлардан шуни кўрсатадики, бизнес режа ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳақиқатда режа бажарилган. Хусусан истеъмол спирт 2022 йил режага кўра 1495.0 минг дал кўрсатилган бўлса, ҳақиқатда 1495.4 минг дал ишлаб чиқарилган. Техник спирт ишлаб чиқариш режага кўра 55.0 минг дал кўрсатилган ҳолда, ҳақиқатда ҳам ушбу кўрсаткич 61.3 минг дални ташкил этган. Истеъмол спирти ишлаб чиқариш бизнес режага нисбатан 100.00 % бажарилган бўлса, техник спирт ишлаб чиқариш бизнес режаси ҳам 111.5% га бажарилган.

Махсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ миқдорий кўрсаткичлардан барчаси режа доирасида бажарилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг улгуржи нархлари кўрсаткичи 100.09% га бажарилган бўлиб, бизнес режада белгиланган норма 228946721.0 млн сўм келтирилган ҳолда 231103795.0 млн сўм ҳақиқатда бажарилган.

Бизнес режа молиявий кўрсаткичлари бажарилиши аудит қилинганда қуйидагилар аникланди.

**«BIOKIMYO» АЖНИНГ 2022-ЙИЛ УЧУН БИЗНЕС РЕЖА БАЖАРИЛИШИ ТАҲЛИЛ
(МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАР)**

№	Кўрсаткичлар	Ўлч. бир.	Режада	Хақиқатда	Фарқлар	% бажарилиши
1	Махсулот сотишдан тушум	млн сўм	287 352 478	344 735 077	57 382 599	120.0
2	Акциз	млн сўм	20 925 000	22 337 970	1 412 970	106.8
3	Кўшилган қиймат солиги	млн сўм	37 480 758	44 954 426	7 473 668	119.9
4	Сотишдан соф тушум	млн сўм	228 946 720	277 442 681	48 495 961	121.2
5	Сотилган махсулот таннархи	млн сўм	188 867 884	222 361 414	33 493 530	117.7
6	Ялпи тушум	млн сўм	40 078 836	55 081 267	15 002 431	137.4
7	Давр харажатлари	млн сўм	13 018 977	19 648 356	6 629 379	150.9
8	Сотиш харажатлари	млн сўм	578 239	1 243 002	664 763	215.0
9	Маъмурий харажатлар	млн сўм	4 601 290	4 140 697	-460 593	90.0
10	Бошқа операцион харажатлар	млн сўм	7 839 448	14 264 657	6 425 209	182.0
11	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	млн сўм	1 600 000	1 344 426	-255 574	84.0
12	Солик тўлагунга қадар фойда	млн сўм	27 103 128	34 386 392	7 283 264	126.9
13	Фойда солиги	млн сўм	4 178 928	5 632 069	1 453 141	134.8
14	Соф Фойда	млн сўм	22 924 200	28 754 323	5 830 123	125.4

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга кўра соф фойда 125.4% микдорда бажарилган, яъни режада 22924.2 млн сўм кўрсатилган ҳолда, хақиқатда ушбу кўрсаткичлар 28754.3 млн сўмни ташкил этган. Акциз солиги режадагидан ортиқча ҳисобланган. Яъни режага кўра махсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошган ҳолда ҳисобланган акциз солиги ҳам ортган. ҚҚС ҳам товарлар режадан кўра кўп сотилганлиги туфайли қўшимча соликлар вужудга келган. Соф фойда кўрсаткичларини режага нисбатан ортишига асосий сабаб махсулот сотиш ҳажми ошиши, давр харажатлари таркибида маъмурий харажатлар камайганлиги ҳисобига бўлган.

2.2 КОРПОРАТИВ БОШҚАРИШ ПРИНЦИПЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИШНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.

Аудит мақсади:

- корхона бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самаралилиги, унинг қатнашчилари (акционер)нинг қонуний хукуқ ва манфаатларига риоя этилиши таҳлили;
- корпоратив бошқариш соҳасида қонун хужжатлари бузилиши ҳолатлари баёни (таъсис хужжатларига риоя қилиш, умумий йиғилишлар ва корхона бошқарув органлари мажлислари ўтказилиши, дивидендлар тўғри ҳисобланиши ва ўз вактида тўланиши ва ҳоказолар);

Корпоратив бошқарув принципларига риоя қилиниши аудитини ўтказишида жамият таъсис хужжатлари уларни бажарилиши бўйича ишлар текширилди. Жамият 2022-йил давомида ўз устави доирасида фаолият юритади. Жамият 2022-йил давомида кузатув кенгашини куйидаги йиғилиши ўтказилган:

- Кузатув кенгашининг 2022-йил 25-февралдаги 09-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2022-йил 31-мартдаги 10-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2022-йил 07-майдаги 11-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2022-йил 06-июньдаги 12-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2022-йил 26-июльдаги 01-сонли йиғилиши;
- Жамият акционерларининг 2022-йил 26-июльдаги 01-сонли умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2022-йил 19-августдаги 02-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2022-йил 07 сентябрьдаги 03-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2022-йил 13-октябрьдаги 04-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2022-йил 24-октябрьдаги 05-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2022-йил 20-ноябрьдаги 06-сонли йиғилиши;

- Кузатув кенгашининг 2022-йил 21-декабрьдаги 07-сонли йиғилиши;
- Кузатув кенгашининг 2022-йил 28-декабрьдаги 08-сонли йиғилиши.

Кузатув кенгашининг йии 2022-йил йиғилишларида “BIOKIMYO” АЖнинг 2021-йил якуні бүйича бизнес-режаси асосий кўрсаткичларининг бажарилиши, 2021йил якунлари бүйича соф фойдани тақсимлаш, дивидендлар тўлаш масалалари, BIOKIMYO” АЖ балансидаги асосий воситаларидан самарали фойдаланиш мақсадида иловага мувофиқ рўйхатдаги мулкни “E-auksion” электрон савдо платформасида қонунчиликда белгиланган тартибда сотишга масалалари, Жамиятда “Инновацияни қўллаб қувватлаш жамғармаси”га соф фойданинг факат 1,1 фоизини йўналтириш ва жамғармада ўтган йиллар якуні бўйича қолган 4 802 034 116,05 сўмни жамиятнинг тақсимланмаган фойдасига қайташ масаласини акциядорларнинг умумий йиғилиши қун тартибига қўйиш масалари кўриб чиқилган. Шунингдек жамиятнинг чорак, ярим йил, 9 ойлик даврлардаги молиявий иқтисодий фаолияти якунлари бўйича йиғилишлар, жамият устав капиталини қўшимча чиқариладиган акциялар хисобига ошириш, ўтган йиллардаги жамиятнинг тақсимланмаган фойдасини акционерларга дивиденд кўриниши бериш масалалари муҳокама қилинган.

Жамият бошқарув органлари томонидан қабул қилинган қарорлар жамият муассислари хукуқ ва манфаатларига зид келмайди, корпоратив бошқарув принциплари бузилиш ҳолатлари аниқланмади.

2.3 КОРХОНАНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯ ҲИСОБОТИ ҲОЛАТИНИ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ.

Аудит мақсади:

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

аниқланган бухгалтерия ҳисоботини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартиби бузилишининг тавсифи.

Аудит текшируви ўтказишда:

- Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи тузилиши ва юритилиши таҳлили;
- Молиявий ҳисоботлар тузилиши бўйича ишлар таҳлили;
- Бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни тузишда қонун хужжатларига риоя қилмаслик бўйича хатолар аниқлаш бўйича ишлар олиб борилди.

Жамият бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузиш тартиби жамият ҳисоб сиёсатида келтирилган ва ўз ичига қўйидагиларни олади:

- Бухгалтрея ҳисобини юритиш учун керакли синтетик ва аналитик(таҳлилий) ҳисоб вараклар тўғрилиги ва тўлиқлиги;
- Бирламчи ва бухгалтерия ҳисоботлари хужжат шақди;
- Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш тартиби
- Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш;
- Бухгалтерия ҳисоботлари таркибий қисмларини баҳолаш;
- Ҳисоб маълумотларини қайта ишлаш усуслари ва хужжатлар айланмалари тартиби;
- Хўжалик операциялар назорати тартиби;
- Бухгалтерия ҳисобини юритишдаги бошқа қарорлар.

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг миллий стандарти (БХМС) № 1 “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”(МВда 26.07.1998йил № 17-07/86 сон билан тасдиқланган АВда 14.08.1998 йилда №474 сон билан рўйхатга олинган) асосан “Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланадиган маҳсус тамойилларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди... Янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъект танлаб олган ҳисоб сиёсатини ушбу бандга мувофиқ молиявий ҳисобот биринчи марта эълон қилингунга қадар, лекин давлат рўйхатидан ўтиб юридик шахс хуқуқини олган кундан бошлаб 90 кундан кечиктирмай расмийлаштиради. Субъект танлаб олган ҳисоб сиёсати юридик

шахс ҳуқуқини олган (давлат рўйхатидан ўтган) кундан бошлаб қўлланиш мумкин бўлган сиёсат хисобланади.” Корхона ўзининг ҳисоб сиёсатига эга. Жамият ҳисоб сиёсатида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисбот тузиш учун қабул қиласидаги усувлар келтириб ўтилган. Жамиятда бухгалтерия ҳисоби 1С бухгалтерия дастурий таъминоти ёрдамида олиб борилади. Жамият ҳисоб сиёсати “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун ва БХМС талабларига жавоб беради.

2.3.1 Бошлангич қолдиқлар тахлил

2022-йил учун давлат солиқ органларига топширилган бухгалтерия баланси ҳамда 1С 7.7 дастурида шакллантирилган ҳисоб регистрлариининг маълумотлари солиштирма тахлили аудит томонидан текширилганда ҳисоб регистрлари ҳамда ҳисбот маълумотлари ўртасида жиддий хато ва камчилик аниқламади. Шунингдек 2021-йил якунига бўйича ҳисбот ва 2022-йил учун топширилган баланс кўрсаткичлари ҳисбот даври бошига кўрсаткичлари бир бирига мос келади.

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Ҳисботда	Бухгалтерияда	Фарки
1	2	3	4	5
Актив				
I. Узок муддатли активлар				
Асосий воситалар:				
Бошлангич (кайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	43 207 337.00	43 207 337.00	0.00
Эскириш суммаси (0200)	011	26 196 465.00	26 196 465.00	0.00
колдик (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)	012	17 010 872.00	17 010 872.00	0.00
Номоддий активлар:				
Бошлангич қиймати (0400)	020	7 639.00	7 639.00	0.00
Амортизация суммаси (0500)	021	7 257.00	7 257.00	0.00
колдик (баланс) қиймати (сатр. 020 - 021)	022	382.00	382.00	0.00
Узок муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080)	030	433 898.00	433 898.00	0.00
Қимматли қофозлар (0610)	040	0.00	0.00	0.00
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050	0.00	0.00	0.00
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060	0.00	0.00	0.00
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)	070	0.00	0.00	0.00
Бошқа узок муддатли инвестициялар (0690)	080	433 898.00	433 898.00	0.00
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700)	090	0.00	0.00	0.00
Капитал кўйилмалар (0800)	100	3 938 131.00	3 938 131.00	0.00
Узок муддатли дебиторлик қарзлари (0910,0920,0930,0940)	110	0.00	0.00	0.00
Долгосрочные отсроченные расходы (0950, 0960, 0990)	120	0.00	0.00	0.00
I бўлим бўйича жами (сатр.012+022+030+090+100+110+120)	130	21 383 283.00	21 383 283.00	0.00
II. Жорий активлар				
Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180)	140	27 755 284.00	27 755 284.00	0.00
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	24 439 494.00	24 439 494.00	0.00
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160	2 310 274.00	2 310 274.00	0.00
Тайёр маҳсулот (2800)	170	1 005 516.00	1 005 516.00	0.00
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айримаси)	180	0.00	0.00	0.00
Келгуси давр харажатлари (3100)	190	0.00	0.00	0.00
Кечиктирилган харажатлар (3200)	200	0.00	0.00	0.00
Дебиторлар, жами (сатр. 220+240+250+260+270+280+290+300+310)	210	9 061 060.00	9 061 060.00	0.00
шундан: муддати ўтган*	211	0.00	0.00	0.00
Харидор ва буюртмачиларнинг карзи (4000 дан 4900 нинг айримаси)	220	753 558.00	753 558.00	0.00
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230	0.00	0.00	0.00
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг карзи (4120)	240	0.00	0.00	0.00
Ходимларга берилган бўнаклар (4200)	250	540.00	540.00	0.00
Мол етказиб берувчилар ва пурратчиларга берилган бўнаклар (4300)	260	6 681 586.00	6 681 586.00	0.00

Бюджеттага соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (4400)	270	653 245.00	653 245.00	0.00
Мақсадли давлат жамғармалари ва сугурталар бўйича бўнак тўловлари (4500)	280	2 144.00	2 144.00	0.00
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290	0.00	0.00	0.00
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700)	300	340 400.00	340 400.00	0.00
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800)	310	629 587.00	629 587.00	0.00
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шу жумладан:	320	9 032 473.00	9 032 473.00	0.00
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	0.00	0.00	0.00
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340	5 128 159.00	5 128 159.00	0.00
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	3 900 204.00	3 900 204.00	0.00
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	4 110.00	4 110.00	0.00
қисқа муддатли инвестициялар (5800)	370	0.00	0.00	0.00
Бошқа жорий активлар (5900)	380	0.00	0.00	0.00
II бўйлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380)	390	45 848 817.00	45 848 817.00	0.00
Баланс активи бўйича жами (сатр.130+390)	400	67 232 100.00	67 232 100.00	0.00
Пассив				
I. Ўз маблағлари манбалари				
Устав капитали (8300)	410	9 569 744.00	9 569 744.00	0.00
Қўшилган капитал (8400)	420	0.00	0.00	0.00
Резерв капитали (8500)	430	8 387 114.00	8 387 114.00	0.00
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440	0.00	0.00	0.00
Таҳсилланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	450	31 287 260.00	31 287 260.00	0.00
Мақсадли тушумлар (8800)	460	5 035 771.00	5 035 771.00	0.00
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	470	0.00	0.00	0.00
I бўйлим бўйича жами (сатр.410+420+430+440+450+460+470)	480	54 279 889.00	54 279 889.00	0.00
II. Мажбуриятлар				
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+520+530+540+550+560+570+580+590)	490	2 611 947.00	2 611 947.00	0.00
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590)	491	0.00	0.00	0.00
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000)	500	0.00	0.00	0.00
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510	0.00	0.00	0.00
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520	0.00	0.00	0.00
Узоқ муддатли кечикирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)	530	0.00	0.00	0.00
Солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечикирилган мажбуриятлар (7240)	540	0.00	0.00	0.00
Бошқа узоқ муддатли кечикирилган мажбуриятлар (7250, 7290)	550	0.00	0.00	0.00
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар (7300)	560	0.00	0.00	0.00
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570	2 611 947.00	2 611 947.00	0.00
Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)	580	0.00	0.00	0.00
Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900)	590	0.00	0.00	0.00
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+680+690+700+710+720+730+740+750+760)	600	10 340 264.00	10 340 264.00	0.00
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+700+710+720+760)	601	644 543.00	644 543.00	0.00
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари*	602	0.00	0.00	0.00
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)	610	0.00	0.00	0.00
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)	620	0.00	0.00	0.00
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)	630	0.00	0.00	0.00
Кечикирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)	640	0.00	0.00	0.00

Солик ва бошқа мажбурий түловлар бўйича кечикирилган мажбуриятлар (6240)	650	0.00	0.00	0.00
Бошқа кечикирилган мажбуриятлар (6250, 6290)	660	0.00	0.00	0.00
Олинган бўнаклар (6300)	670	73 295.00	73 295.00	0.00
Бюджетга түловлар бўйича қарз (6400)	680	67 951.00	67 951.00	0.00
Суғурталар бўйича қарз (6510)	690	0.00	0.00	0.00
Мақсадли давлат жамғармаларига түловлар бўйича қарз (6520)	700	1.00	1.00	0.00
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)	710	154 465.00	154 465.00	0.00
Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)	720	2 098.00	2 098.00	0.00
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)	730	7 101 800.00	7 101 800.00	0.00
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)	740	0.00	0.00	0.00
Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)	750	2 593 921.00	2 593 921.00	0.00
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760	346 733.00	346 733.00	0.00
II бўлим бўйича жами (сатр.490+600)	770	12 952 211.00	12 952 211.00	0.00
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770)	780	67 232 100.00	67 232 100.00	0.00

2.3.2 Хусусий капитал ҳисоби аудити

Ҳисоб регистрлари маълумотларига кўра 2022-йил 1-январь ва 31-декабрь ҳолатида жамият хусусий капитали таркиби қўйидаги қаторлардан иборат бўлган:

минг сўмда

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2022 ҳолатида	31.12.2022 ҳолатида
Устав капитали (8300)	410	9 569 744.00	9 569 744.00
Кўшилган капитал (8400)	420	0.00	0.00
Резерв капитали (8500)	430	8 387 114.00	8 186 396.00
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440	0.00	0.00
Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	450	31 287 260.00	39 538 708.00
Мақсадли тушумлар (8800)	460	5 035 771.00	6 917 468.00
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	470	0.00	0.00
Жами		54 279 889.00	64 212 316.00

Баланснинг хусусий капитал булими элементларининг бухгалтерия баланси ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирилган таҳлили:

минг сўмда

Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Баланс	Фарклар
Устав капитали (8300)	410	9 569 744.00	9 569 744.00	0.00
Кўшилган капитал (8400)	420	0.00	0.00	0.00
Резерв капитали (8500)	430	8 186 396.14	8 186 396.00	0.14
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440	0.00	0.00	0.00
Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)	450	39 538 708.12	39 538 708.00	0.12
Мақсадли тушумлар (8800)	460	6 917 467.77	6 917 468.00	-0.23
Келгуси давр харажатлари ва тўл. учун захиралар (8900)	470	0.00	0.00	0.00
Жами		64 212 316.03	64 212 316.00	0.03

Жамиятнинг барча йиллар бўйича фаолияти ва ҳисобот давридаги таксимланмаган фойда ёки қопланмаган зарар суммасининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қўйидаги счёtlарда амалга оширилади:

8710 "Ҳисобот даврининг таксимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)";

8720 "Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)".

8710 "Ҳисобот даврининг таксимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)" счётида жамиятнинг ҳисобот даврида фаолияти бўйича тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари) ҳисобга олинади. Ҳисобот давридаги тақсимланмаган фойдани тақсимлашдан кейин қолган сумма 8710 "Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)" счётидан 8720 "Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)лар" счётига ўтказилади.



Молиявий натижалар шаклланишида ҳисоб регистрлари ва ҳисбет маълумотлари солишиштирма таҳлили:

минг сўмда

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	Даромадлар (фойда) / Харажатлар (зарарлар)		Фарқлар
		Ҳисбет маълумотлари	Айланма салдоли ведомостъ маълумотлари	
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соғ тушум	010	277 442 681.00	277 442 680.75	0.25
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи	020	222 361 414.00	222 361 413.98	0.02
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр. 010 – 020)	030	55 081 267.00	55 081 266.77	0.23
Давр харажатлари, жами (сатр. 050 + 060 + 070 + 080), шу жумладан:	040	19 648 356.00	19 648 356.29	-0.29
Сотиш харажатлари	050	1 243 002.00	1 243 002.08	-0.08
Маъмурӣ харажатлар	060	4 140 697.00	4 140 696.94	0.06
Бошқа операцион харажатлар	070	14 264 657.00	14 264 657.27	-0.27
Ҳисбет даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегирладиган харажатлари	080	0.00	0.00	0.00
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	090	1 344 426.00	1 344 426.25	-0.25
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030 – 040 + 090)	100	36 777 337.00	36 777 336.73	0.27
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр. 120 + 130 + 140 + 150 + 160), шу жумладан:	110	857 922.00	857 921.62	0.38
Дивиденклар шаклидаги даромадлар	120	0.00	0.00	0.00
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130	2.00	0.00	2.00
Молиявий ижарадан даромадлар	140	0.00	0.00	0.00
Валюта курси фарқидан даромадлар	150	857 920.00	857 921.62	-1.62
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160	0.00	0.00	0.00
Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр. 180 + 190 + 200 + 210), шу жумладан:	170	3 248 867.00	3 248 866.62	0.38
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	1 648 913.00	1 648 912.88	0.12
Молиявий ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар	190	0.00	0.00	0.00
Валюта курси фарқидан зарарлар	200	914 966.00	914 967.14	-1.14
Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	210	684 988.00	684 986.60	1.40
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр. 100 + 110 – 170)	220	34 386 392.00	34 386 391.73	0.27
Фавқулоддаги фойда ва зарарлар	230	0.00	0.00	0.00
Фойда солигини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр. 220 +/- 230)	240	34 386 392.00	34 386 391.73	0.27
Фойда солиги	250	5 674 614.00	5 674 613.73	0.27
Фойдадан бошқа соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260	0.00	0.00	0.00
Ҳисбет даврининг соғ фойдаси (зарари) (сатр. 240–250 – 260)	270	28 711 778.00	28 711 778.00	-0.00

2.3.3 Товар моддий захиралари(ТМЗ) аудити.

Ушбу бўлим учун хукуқий база бўлиб қуйидагилар киради: 4-БХМС, 21-БХМС, 19-БХМС, “Махсулот(иш,хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом”, “Инвентаризация натижасидан аниқланган камомад ва ортиқчаликни бухгалтерия хисоби ва соликқа тортиш тўғрисида Низом” ва бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларлар.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2022-йил 1-январ ва 31-декабрь ҳолатида товар моддий захиралар қолдиқлари қуйидагича бўлган:

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2022 ҳолатида	31.12.2022 ҳолатида
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	24 439 494.00	43 841 876.00
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160	2 310 274.00	1 295 854.00
Тайёр маҳсулот (2800)	170	1 005 516.00	591 099.00
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айримаси)	180	0.00	0.00
Жами		27 755 284.00	45 728 829.00

Товар моддий захираларинг 2022 йил 31 декабрь ҳолатида баланс ва ҳисб регистрлари маълумотлари солишиштирма таҳлили:

Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Баланс	Фарқ
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600)	150	43 841 876.09	43 841 876.00	0
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700)	160	1 295 854.03	1 295 854.00	-0
Тайёр маҳсулот (2800)	170	591 099.42	591 099.00	-0
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси)	180	0.00	0.00	0
Жами		45 728 829.54	45 728 829.00	-0

Ҳисоб регистрлари маълумотларига кўра 2022-йил 31-декабрь ҳолатида товар моддий захиралар қолдиғи 45 728 829.0 минг сўмни ташкил қилган.

Материаллар хисоби материал турлари ва уларга жавобгар бўлган моддий жавобгар шахслар кесимида юритилган.

Текширув натижасида:

- ТМЗлар бухгалтерия хисоби 1С дастурий таъминотида миқдор ва қиймат бирлигига юритилган. Омбордаги ТМЗлар ҳаракати миқдор бирлигига юритилган.
- Хисобот даври боши ва охиридаги ТМЗ қолдиклари баланс(1-шакл ҳисобот) 150 сатрига мос келади.
- ТМЗлар кирими тегишли ҳужжатлар(электрон счет фактура, ишончномалар) билан ўз вақтида амалга оширилади.
- Барча ТМЗ моддий жавобгарлик шартномалари тузилган ходимларга бириктирилган.
- Моддий қийматликлар чиқими бўйича комиссия белгиланши бўйича буйруқлар мавжуд. Омбордаги ТМЗлар тегишли юқ хатларисиз ёки жамият раҳбари томонидан тасдиқланган чиқим далолатномаларисиз чиқим қилинмайди.

Жамиятда товар моддий захиралар тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузилган моддий жавобгар шахслар хамда сақлаш жойлари кесимида ҳисобга олиб борилган. Материаллар хариди етказиб берувчилар ва ҳисобдор шахслардан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган холда амалга оширилади. Фойдаланишга топширилган материаллар белгиланган тартибда ўрнатиш актлари, тарқатиш ведомотлари ва бошқа ҳақиқатда ишлатилганликни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида моддий жавобгар шахслар зиммасидан харажатлар таркибига ўтказилади.

ТМЗлар ҳаракати бухгалтерия хисобида акс эттирилиши танлаб текширилди. Ҳисоб таҳлилий қисми маълумотлари бош китоб билан мос келади.

Счет	Давр бошига қолдик	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунига қолдик	сўм
10	24 438 554 384.88	577 945 885 314.48	560 405 709 328.03	41 978 730 371.33	
10.10	21 598 812 825.20	565 063 746 515.15	546 699 747 480.20	39 962 811 860.15	
10.20		78 707 216.54	78 707 216.54		
10.30	90 654 512.46	577 551 509.58	563 035 169.90	105 170 852.14	
10.40	616 186 385.67	251 315 022.59	777 156 567.14	90 344 841.12	
10.50	220 769 780.79	1 533 169 135.22	1 621 731 747.62	132 207 168.39	
10.60	20 576 076.46	333 532 269.29	334 322 858.29	19 785 487.46	
10.80	733 006 239.41	692 486 417.43	456 876 481.52	968 616 175.32	
10.90	1 158 548 564.89	9 415 377 228.68	9 874 131 806.82	699 793 986.75	
15	939 592.77	7 385 975 718.99	5 523 769 588.26		1863145724
15.10	939 592.77	188 606 047.45	189 545 640.22		
15.20		7 197 369 671.54	5 334 223 948.04		1863145724
16		556 371 984.06	556 371 984.06		
16.10		556 371 984.06	556 371 984.06		
20		234 497 924 918.09	234 497 924 918.09		
20.10		234 497 924 918.09	234 497 924 918.09		
21	2 271 891 170.46	200 295 830 016.17	201 300 420 445.05	1 267 300 741.58	
21.10	64 397 616.94	13 306 872 877.32	13 360 984 912.20	10 285 582.06	
21.20	2 207 493 553.52	186 988 957 138.85	187 939 435 532.85	1 257 015 159.52	
23		218 642 207 911.91	218 642 207 911.91		
23.10		218 642 207 911.91	218 642 207 911.91		
25		861 550 076.06	861 550 076.06		

25.10		861 550 076.06	861 550 076.06	
27	38 383 150.15	290 821 628.78	300 651 492.12	28 553 286.81
27.10		105 287 807.05	105 287 807.05	
27.11	38 383 150.15	185 533 821.73	195 363 685.07	28 553 286.81
28	1 005 516 122.98	222 056 074 314.61	222 470 491 018.43	591 099 419.16
28.10	1 005 516 122.98	222 056 074 314.61	222 470 491 018.43	591 099 419.16

2.3.4 Асосий воситалар аудити.

Асосий воситалар хисоби Ўзб.Р. АВда №1299 сон билан рўйхатга олинган “Асосий Воситалар” 5-БХМС ва бошқа бухгалтерия хисоби қонун хужжатлари доирасида амалга оширилади.

5-сонли БХМС талабларига кўра асосий воситаларга қуидаги критерияларга жавоб берадиган мол мулклар киради:

- Хизмат муддати бир йилдан ортиқ;
- Кирим қиймати ҳар бири учун Ўз.Р. белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан ортган.

Жамиятда асосий воситаларнинг асосий воситаларнинг хисоби 1С Бухгалтерия 7.7 дастурида амалга оширилади.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2022-йил 1-январь ва 31-декабр ҳолатида асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, жамғарилган эскириши ва қолдиқ қийматлари қуидагича бўлган:

Қатор коди	Қатор номи	01.01.2022 ҳолатида	31.12.2022 ҳолатида	минг сўмда
010	Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	43 207 337.00	51 053 822.00	
011	Эскириш суммаси (0200)	26 196 465.00	28 559 886.00	
012	қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)	17 010 872.00	22 493 936.00	

Баланснинг асосий воситалар булими элементларининг 2022-йил 31-декабр ҳолатида бухгалтерия баланси ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солиштирма таҳлили:

минг сўмда					
Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Баланс	Фарқ	
Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)	010	51 053 822.08	51 053 822.00		
Эскириш суммаси (0200)	011	28 559 886.29	28 559 886.00		
Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)	012	22 493 935.79	22 493 936.00		

Бухгалтерия хисобида асосий воситалар давр бошига, охирига хамда барча кирим ва чиқимлар қуидагича акс эттирилган:

Счет	Давр бошига қолдиқ	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунига қолдиқ
01	43 207 336 927.64	10 194 106 671.64	2 347 621 523.52	51 053 822 075.76
01.11	282 979 820.14			282 979 820.14
01.20	11 599 645 726.81	4 008 983 343.57	1 045 639 902.11	14 562 989 168.27
01.30	26 127 368 786.24	5 947 749 695.18	1 025 256 221.15	31 049 862 260.27
01.40	179 731 343.09			179 731 343.09
01.50	1 285 835 605.96	86 126 151.22	2 977 960.00	1 368 983 797.18
01.60	3 409 752 996.67	135627055.4	271254110.8	3 274 125 941.26
01.80	15 424 698.53			15 424 698.53
01.90	306 597 950.20	15 620 426.26	2 493 329.44	319 725 047.02

Асосий воситаларга эскириш Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида келтирилган нормалардан ошмаган ҳолда корхона ҳисоб сиёсатида белгиланган тартибда тўғри чизикли усулда хисобланган.

Эскириш хисоблаш билан боғлиқ бухгалтерия хисоби қонун қоидаларнинг бузилиш ҳолатлари аниқланмади.

Сүм

Счет	Давр бошига қолдик	Дебет оборот	Кредит оборот	Давр якунига қолдик
02	26 196 464 507.91	335 946 089.89	2 699 367 870.69	28 559 886 288.71
02.11	29 940 200.21		28 297 982.04	58 238 182.25
02.20	3 584 868 137.35	10100302.72	342 523 415.00	3 917 291 249.63
02.30	20 006 616 602.30	188 996 828.58	1 645 071 395.58	21 462 691 169.30
02.40	94 908 396.81		24 518 335.20	119 426 732.01
02.50	940 822 549.83		116 296 601.29	1 057 119 151.12
02.60	1 348 482 656.96	135627055.4	511 141 537.98	1 723 997 139.53
02.80	11 697 060.23		1 542 467.76	13 239 527.99
02.90	179 128 904.22	1 221 903.18	29 976 135.84	207 883 136.88

2.3.5 Узок муддатли инвестициялар аудити

Узок муддатли инвестициялар ҳисобида жамиятнинг бошқа ташкилотларга киритган инвестициялар юритилган.

Минг сүм

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2022 ҳолатида	31.12.2022 ҳолатида
Кимматли қоғозлар (0610)	040	0.00	0.00
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050	0.00	0.00
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060	0.00	0.00
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар	070	0.00	0.00
Бошқа узок муддатли инвестициялар (0690)	080	433 898.00	433 898.00
Киска муддатли инвестициялар (5800)	370	0.00	0.00
Жами		433 898.00	433 898.00

31.12.2022й ҳолатида Баланс ва ҳисоб регистрлари солиштирма таҳлили

Минг сүм

Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Баланс	Фарқ
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)	050	0.00	0.00	0.00
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)	060	0.00	0.00	0.00
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар	070	0.00	0.00	0.00
Бошқа узок муддатли инвестициялар (0690)	080	433 898.43	433 898.00	0.43
Киска муддатли инвестициялар (5800)	370	0.00	0.00	0.00
Жами		433 898.43	433 898.00	0.43

Узок муддатли инвестициялар ташкилотлар кесимида қўйидагича (сўмда):

Ташкилот номлари	01-январь 2022	31-декабрь 2022
MChJ YANGIYOL MARVARIDI	300 000 000,00	300 000 000,00
MChjParkentKonsaltingTexnikServis	50 000 000,00	50 000 000,00
MChj SINTEZ PROGRESS	83 898 434,07	83 898 434,07
Жами	433 898 434,07	433 898 434,07

2022-йил мобайнида узок муддатли инвестициялар таркибида ўзгаришлар амалга оширилмаган. 2022-йил 31-декабрь ҳолатида 433 898.0 минг сўм узок муддатли инвестициялар счетида акс эттирилган.

2.3.6 Касса ва касса операциялар аудити.

Жамиятда нақд пул билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун алоҳида хона мавжуд. Барча маблағлар тегишли тартибда жиҳозланган сейфда сақланади. Нақд пуллар кирими касса кирим ордерларига асосан, чиқими эса ведомостлар ва тегишли буйруклар ва бошқа тегишли хужожатлар илова қилинган касса чиқим ордерларига асосан амалга оширилади. Текшириш давомида касса дафтари бетланиб, тикилиб, муҳрлангани аниқланди. Кирим ва чиқим ордерлари тегишли тартибда расмийлаштирилган, чек дафтарчаси тўлдирилган.

Кирим қилинган пул маблағлари ҳисобрақмдан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган ҳисоблашлар, уруғ чиқиндиларни сотишдан тушум, буғ иситиш тизимидан фойдаланганлик учун жисмоний шахслар тўловлари, қишлоқ хўжалик(картошка) ва бошқа маҳсулотлари(товук) сотишдан тушум манбалари ҳисобига шаклланган.

2.3.7 Банкдаги асосий ва бошқа ҳисобрақамлар аудити.

Ҳисобрақамлар бўйича операциялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2013-йил 3-июнда 2465-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисобкитоблар тўғрисидаги НИЗОМ” асосида амалга оширилган.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2022-йил 1-январь ва 31-декабрь ҳолатида пул маблағлари қолдиқлари қуидагича бўлган:

минг сўм

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2021 ҳолатида	31.12.2022 ҳолатида
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	0.00	0.00
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340	5 128 159.00	3 271 269.00
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	3 900 204.00	0.00
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700)	360	4 110.00	3 967.00
Жами		9 032 473.00	3 275 236.00

Пул маблағларининг 2022-йил 31-декабрь ҳолатида баланс ва ҳисоб регистрлари маълумотлари солишиштирма таҳлили:

минг сўм

Қатор номи	Қатор коди	Айланма сальдоли ведомость	Баланс	Фарқ
Кассадаги пул маблағлари (5000)	330	0.00	0.00	0
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100)	340	3 271 269.48	3 271 269.00	0
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200)	350	0.00	0.00	0
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5700)	360	3 966.70	3 967.00	0
Жами		3 275 236.18	3 275 236.00	0

Жамиятнинг бир неча ҳисобрақамлари мавжуд бўлиб, хусусан пенсия нафақалар ҳисоб китобларни амалга ошириш учун пенсия ҳисобрақамига ҳам эга. Аудитга тақдим қилинган барча банк кўчирмалари ойлик асосда алоҳида папкаларда хронологик тарзда тикилган ва барча операциялар бўйича тасдиқловчи дастлабки хужжатлар – счет фактура, бажарилган ишлар ҳакида далолатномалар бор ва мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб китоб хужжатларида жамият раҳбариятининг тасдиқлари қўйилган. Банк счети операциялари танлов асосида текширилди. Барча банк кўчирмалари бирламчи хужжатлар билан бирга регистрларда акс этган. Кўчирмалардаги қолдиқ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларидағи қолдиқлар билан мос келади. Банк муомалалари аудитида жиддий хато ва камчиликларга дуч келинмади. Валюта ҳисобварак қолдиқлари ҳар ойда тўғридан тўғри қайта баҳолаш орқали қайта баҳоланганди.

2.3.8 Ходимлар билан меҳнат ҳаки юзасидан ҳисоб-китобларни аудити.

Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида қуидаги меъёрий хужжатлар билан тартибиға солинади:

- Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси;
- Мехнат ва ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш Вазирининг 01.04.2002 йилги 21-сонли буйруғи билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 08.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатга олинган «Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низом.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 11.03.1997 йилги 133- сонли карори билан тасдиқланган «Ўртacha ойлик иш ҳакини ҳисоблаш тартиби».

Жамиятда ходимларни ишга қабул қилиш меҳнат шартномалари ва у имзолангандан кейин раҳбарнинг ходимни ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруғи билан расмийлаштирилади. Ишчилар буйруқ билан таништирилганлар. Ҳар бир ишчига Т-2 шаклдаги шахсий карточка очилган. Ишчиларнинг лавозим жадваллари тасдиқланган. Жамиятда ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Мехнат ҳакини ҳисоблаш ва тўлаш тўғрисидаги Низомга асосан амалга оширилади. Ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган иш вақти иш вақтини ҳисобга олиш табели Т-13 шаклини тўлдириш орқали ҳисобланади. Ходимларнинг иш ҳқайнини ҳисоблаш ва даромад солигини ушлаб

қолиши “1С Предприятия” дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилади. Ходимларга моддий ёрдам, рағбатлантириш тузидағи түловлар ва бошқа түловлар жамият директори буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ишчи ходимлардан уларнинг аризалариға асосан аъзолик бадалларига, ўқиши контракт пулуга, ипотека кредитини сўндириш учун ушланмалар ушлаб қолинган. Булардан ташқари даромад солиги, алиментлар ва бошқа мажбурий ушланмалар хам ушлаб қолинган.

67 счет 2022-йил қўйидаги счетлар билан корреспонденция бўлган:

Корр счет	Операциялар мазмуни	Дебет	сум
			Кредит
Бошланғич қолдиқ			
08	Қурилиш обьекти ишчиларига хисобланган		2 098 024,45
20	Асосий ишлаб чиқариш ишчиларига хисобланган	374 108 194,46	
23	Ёрдамчи ишлаб чиқариш ишчиларига хисобланган	5 004 723 337,09	
25	Умушилаб чиқариш ишчиларига хисобланган	9 388 111 195,08	
27	Ёрдамчи хўжалик ишчиларига хисобланган	314 941 571,99	
42	Иш хаққидан аванс тўловлари туланган	146 268 128,36	
47	Ушланмаларга ушлаб қолинган	25 084 505 437,40	47 731 564,48
48	Иш хаққи тўлаб берилган	130 967 986,60	
51	Иш хаққи тўлаб берилган	260 100,00	
55	Иш хаққи тўлаб берилган	35 174 158,00	327 736,00
63	Ушланмаларга ушлаб қолинган	390 150,00	
64	Даромад солиги ушлаб қолинган	15 697 908,32	
69	Даромад солиги ушлаб қолинган	3 344 920 991,17	
87	Ушланмаларга ушлаб қолинган	718 416 246,85	
93	Кўшимча хисобланган	470 096 367,50	
94	Ушлаб қолинган суммалар даромадга олинган	2 007,26	
	Иш хаққи ҳисобланган (маъмурӣ)	13 581 424 722,62	
Йиллик айланма		29 330 074 885,60	29 327 992 917,58
Яқуний қолдиқ			16 056,43

2.3.9 Ҳисоб-китоб-тўлов тартиби аудити

Ҳисобнинг бу бўлими бўйича меъёрий база сифатида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1995 йилдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилиши учун раҳбарларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг меъёрий-хукуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий хужжатлар хизмат қиласи.

Бухгалтерия баланси маълумотларига кўра 2022 йил 1 январ ва 31 декабрь ҳолатида дебитор қарзлар қолдиқлари қўйидагича бўлган:

Қатор номи	Қатор коди	01.01.2022 ҳолатида	31.12.2022 ҳолатида	минг сўм
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айрмаси)	220	753 558	823 640	
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110)	230	0	0	
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120)	240	0	0	
Ходимларга берилган бўнаклар (4200)	250	540	2	
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300)	260	6 681 586	2 568 336	
Бюджетга солиқ ва йигимлар бўйича бўнаклар (4400)	270	653 245	311 646	
Максадли давлат жамғармалари ва сугурталар бўйича бўнак тўловлари (4500)	280	2 144	0	
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600)	290	0	0	
